БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 октябрь Жума
№ 195 (13.631). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 73-ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ЮЗАСИДАН ҲАРБИЙ ПАРАДЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 73-йиллигини нишонлаш юзасидан 1990 йил 7 ноябрь куни Москва шаҳрида, Қизил майдонда, иттифоқдош жумҳуриятларнинг пойтахтларида ҳамда ҳарбий округлар ва флотларнинг штаблари жойлашган бошқа жойларда қўшинлар парадлари, шунингдек, Ленинград шаҳрида ва ҳарбий флотларнинг штаблари жойлашган шаҳарларда кемалар парадлари ўтказилсин.

Москва шаҳрида парадни қабул қилиб олиш СССР мудофаа вазири ўртоқ Д. Т. Язовга топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1990 йил, 10 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши комиссияларида

АРМИЯДА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. 1990 йил кузги чақириққа тайёргарлик, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармонга мувофиқ жумҳурият Вазирлар Кенгаши қабул қилган қарорни бажариш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳарбий прокуратура ва ҳарбий комиссариат билан ўзаро муносабатлари муаммолари ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг масъул ходимлари, жумҳурият прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳарбий прокуратура, ҳарбий комиссариатлар вакиллари, Тошкент шаҳар ноҳия ижроия қўмиталарининг раислари қатнашдилар.

Мажлисни Олий Кенгашнинг мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш комиссиясининг раиси В. Р. Ниёзматов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссари генерал-майор В. Н. Маҳмудов, жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири С. М. Баҳромов ахборот бердилар.

Мажлисда кузги чақириққа тайёргарлик ишлари мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда олиб борилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирги пайтда армия ҳаётида ва турмушида йўл қўйилаётган салбий ҳодисалар жангчиларда норозилик туғдираётган бўлса, уларнинг ота-оналари ва жумҳуриятнинг бутун жамоатчилигида ҳақли ғазаб уйғотмоқда. Армияда ҳанузгача интизом ва тартибни қўпол равишда бузиш, Уставга зид муносабатлар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиши каби ҳодисалар мавжуд.

Ҳозирги вақтда жумҳурият ҳарбий комиссариатлари Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармонини бажариш юзасидан етарли даражада иш олиб бормаётирлар. Маълумки, бу ҳужжат ёшларни Қуролли Кучлар сафларига чақиришни ташкил этишни, йигитларнинг хизматни ўташини, уларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга қаратилган. Шу йилнинг кузидан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига юбориш тўхтатилади. Тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг укаларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тақиқланади. Мажлисда ҳарбий комиссариатлар фаолиятига доир муаммолар тўғрисида гапирилди. Ҳарбий комиссариатлар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини пенсия билан таъминлаш тадбирларини ҳали ҳам жуда суст амалга оширмоқдалар.

Вилоят чақириқ комиссиялари малакали тиббий ходимлар билан етарли тўлдирилмаган, замонавий асбоблар билан жиҳозланмаган, зарур дори-дармонлар етишмайди, чақириқ комиссияларида ишлаётган врачлар учун тегишли ижтимоий шароит яратилмаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари армияда хизмат қилишдан бош тортаётган шахсларни жавобгарликка тортишда ҳарбий комиссариатларга зарур ёрдам бермаётирлар. Ҳарбий комиссариатларнинг халқ депутатлари, ноҳия, шаҳар, вилоят Кенгашлари билан алоқалари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Ҳарбий комиссариатларнинг жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Мажлисда ҳарбий комиссариатларни ўзбек тилини биладиган ходимлар билан мустаҳкамлашнинг, жумҳуриятимиздан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ ишларини янада кучайтиришнинг аҳамияти таъкидланди.

Яқин вақт ичида жумҳурият ноҳияларининг мамлакат мавзелари ҳарбий қисмлари билан бевосита алоқа ўрнатиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Фирқа, шўро, комсомол ходимларининг, жамоатчилик вакилларининг, ота-оналарнинг, атоқли кишиларнинг, уруш ва меҳнат ветеранларининг, маданият ва санъат арбобларининг, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ҳарбий бўлинмаларга сафарларини мунтазам уюштириш керак, дейилди мажлисда. Бу бўлинмаларга жумҳурият ҳаётини акс эттирадиган китобларни, даврий нашрларни, кинофильмларни юбориш лозим.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармони қабул қилинган пайтдан буён бир ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам чақириқ ёшидаги йигитларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этиш учун жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ҳамда вилоят ижроия қўмиталари соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимларига ҳанузгача ҳеч ким тайинланмаганлиги ҳақида ташвишланиб гапирилди.

Жумҳурият йигитларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташларини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа кўпгина муаммолар ҳам ўртага қўйилди. Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи генерал-лейтенант Ю. Д. Букреев сўзга чиқдилар.

Мажлис ишида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ёшлар ишлари қўмитасининг раиси А. А. Аъзамхўжаев, жумҳурият Олий Кенгаш қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот қўмитасининг раиси Э. Ҳ. Халилов, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари генерал-майор И. С. Фурманов, ва генерал-майор В. А. Калашников қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

«Ҳосил—90»



Пахта!
У ҳақда қанча гапирилмасин,
мақталмасин, қораланмасин,
у барибир бизники.
Хоҳласак-хоҳламасак пахта
бизнинг ош-нонимиз...
Буни чин юракдан ҳис қилган
Абдулла Қодирий номли
Жиззах педагогика олий
илмгоҳи талабалари ҳам
бободеҳқонларимизга ёрдамга етиб
келишди.
Сиз суратда кўриб турган қиз,
шу илмгоҳнинг рус тили ва адабиёти
куллиётининг 2-курс толибаси
Дилфуза Элмуродова.
Пахтакор ноҳиясидаги А. Икромов номли
давлат хўжалиги далаларида
пахта териб,
тенгдошлари орасида
пешқадамлик қилиб келаётир.

Умарали ҚЎШВОҚОВ суратга олган.

Хирмонлар кўкка бўй чўзмоқда

Коммунистик ноҳия пахтакорлари етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда вилоятда карвонбошилик қилмоқдалар.

Шундай долзарб дамларда мўл ҳосилни қабул қилишда «Ўзбекистон» пахта заводи меҳнатчилари қандай ишламоқдалар?

ЎзТАГ мухбири П. Нишонов мазкур корхона бош муҳандиси Ф. А. Воробьев билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Федор Алексеевич, деҳқонлар бу йил сизларни шоширib қўйишмоқда. Пахта пунктларига 5—6 фоиздан ҳосил келтирилган кунлар ҳам бўлди. Корхона ишчилари пахтани узлуксиз қабул қилиб олишда қандай тадбирларни амалга оширдилар?

— Корхонамизга қарашли пахта пунктлари терим бошланишидан бир ой илгариёқ янги ҳосил қабулига тахт қилиб қўйилди. Ҳозир заводда соатига 10 тонна пахтани қуритиб берадиган цех ишлаб турибди. Бошқа қабул пунктларидаги цехлар ҳам ҳосилни сифатли қуритиб бермоқда.

— Бу йил корхонангиз қанча ҳосилни қабул қилади?


— Биз бу йил 24 минг тонна хом ашёни қабул қилишимиз лозим. Заводнинг ўзида 3 минг тонна пахтани қабул қилиб, усти ёпиқ жойларга саранжомлаб қўйдик. 17 сентябрдаёқ пахтани қайта ишлашга киришдик.

Ҳосилни қабул қилиш жадал давом этмоқда. Жумабозор қабул пунктида 10 дан зиёд, корхонамиз қабул пунктида эса 7 та пахта «тоғи» қад кўтарди. Ҳар кеча-кундузда 1500-1600 тонна пахта қабул қилинмоқда.

— Билишимизча, етиштирилган ҳосил иккинчи навга қабул қилинаётган экан? Бунинг сабаби нимада?

Ўринли савол. Ҳосилнинг иккинчи навга ўтаётганлигини тўғри тушуниш лозим. Маълумки, пахтанинг юқори навли бўлиши кўпроқ иқлимий шароитга ҳам боғлиқ. Бизда иқлим бошқача. Экин экиладиган ерлар кўпроқ тоғ ёнбағирларига жойлашганлиги учун совуқ изғирин эсиб туради. Айниқса, баҳор ойларида тупроқ пешинга яқин исийди. Демоқчиманки, экинлар иссиқликни кам олади. Натижада тола етарли ривожланмай қолади.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна — 91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»



Мукофотга видеомагнитофон...

Сарлавҳани ўқиган муштарий ажабланган бўлиши табиий. Ҳа, ҳайратга тушманг. Истаймизми, йўқми, шароит шуни тақозо этаётир. Илгари хабар қилганимиздек, янги йилдан бошлаб, рўзномалар обуна баҳоси ошади. Бундай хабар муштарийларимиздан ҳеч бирини лоқайд қолдирабиётгани йўқ. Ахир бурноғи йиллардаги обуна баҳоси билан келгуси йилники ўртасидаги фарқ оз эмас-да! 1 ойга 1 сўм, йилига 12 сўм. Аммо эслатиб ўтамиз: рўзномалар ичида энг арзони ҳам «Ёш ленинчи» бўлиб қолди. Бироқ бу дегани — «Ёш ленинчи» ўзи кўтариб чиқаётган масалалар долзарблиги даражасини сусайтиради, дегани эмас. Янги йилда ҳам рўзномамизда исталган мавзуингиздаги муаммолар акс этган чиқишларни ёритиш ниятимиз бор. «Ёш ленинчи» сизнинг энг яқин маслакдошингиз, кўмакдошингиз бўлиб қолишига мухбирларимизда кафолат, саботлилик етарли. Шундай экан, жумҳуриятимиз мустақиллигига, она тилимизнинг ҳақиқий маънода давлат тилига айланишига эришишимизда ҳисса қўшишни истасангиз «Ёш ленинчи»га обуна бўлинг. «Ёш ленинчи» бундан кейин ҳам дил сўзларингизни ифода этувчи рўзнома бўлиб қолади.

Дарвоқе, рўзномамизнинг таъсис этувчиси — Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ҳам ўз нашрининг мавқеини ошириш мақсадида сахийлик кўрсатиш ниятида.

«Ёш ленинчи» рўзномасига 1991 йил учун обунани энг яхши ва уюшқоқлик билан ташкил этишга эришган ҳамда ўтган йилга нисбатан кўп обунани таъминлаган ноҳия комсомол қўмитасини мукофот кутмоқда. Ташкилотлардаги аъзолари сонига нисбатан энг юқори даражадаги обунани таъминлаган ноҳия комсомол қўмитасига ВИДЕОМАГНИТОФОН топширилади.

ЭСЛАТМА: «Ёш ленинчи»га обуна бўлганлик ҳақидаги ҳужжат (ноҳия комсомол қўмитасининг маълумотномаси)ни юбориш муддати — 25 октябрь.

Биз эса ноҳияларда «Ёш ленинчи»га обуна бориши ҳақида сизларни хабардор қилиб туришни ўз зиммамизга оламиз.



...«Ёш ленинчи» байрами

Кўкдала ва Иштихон, Боғот ва Денов, Чуст ва Хива, Жиззах ва Сирдарё, Балиқчи ва?.. Юқоридаги шаҳар ва ноҳиялар номлари кўпчилик «Ёш ленинчи» мухлисларига таниш. Бу ерларда «Ёш ленинчи»нинг анъанавий байрамлари бўлиб ўтган. Балиқчидан сўнгги (?) сўроққа қараб ҳайрон бўлгандирсиз? Бу сўроқни ечиш ҳам сиз муштарийларга боғлиқ. Рўзномамиз жамоаси шундай якдил қарорга келди:

1991 йил учун энг кўп обунани ташкил этган давлат ва жамоа хўжаликларидан учтасида **«Ёш ленинчи» ўз анъанавий байрамини** ўтказади. Ғолибларни аниқлаш учун давлат ва жамоа хўжаликлари комсомол ташкилотларидан комсомол-ёшларнинг умумий сони ва «Ёш ленинчи»га обуна бўлган муштарийларнинг сони кўрсатилган ҳужжатни таҳририятимизга жўнатишингиз лозим бўлади.

«Ёш ленинчи» эса ўз ходимлари, жумҳуриятимизнинг таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига турли йилларда сазовор бўлган санъаткорлар билан сизнинг ҳузурингизга ташриф буюришга кафолат беради.

Шундай қилиб ғолибларни видеомагнитофон ва «Ёш ленинчи» байрами кутади!

«Ёш ленинчи»га ёзилсангиз... пулингизга ачинмайсиз

— «Теша тегмаган» янгиликлар;

— Давр ғаддорликларию, умидворликлари;

— Ўзбекистондаги, Ўрта Осиёдаги ва мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар таҳлили;

— Тарих жумбоқлари ва истиқбол муаммолари;

— Руҳиятшунослар, ҳуқуқшунослар, фолбинлар (астрологлар) маслаҳати;

— Ўтмиш лавҳалари ва қадриятларимиз, маданий меросимиз ва ўзбек тили равнақи;

— Ва ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ҳақида муттасил маълумотларга эга бўлишни истасангиз

«Ёш ленинчи» рўзномасига обуна бўлишни унутманг.

БИР ЙИЛ УЧУН 12 СЎМ ТЎЛАСАНГИЗ, ЎН ИККИ ОЙ МАЗА ҚИЛИБ ЎҚИЙСИЗ.



— Эшматвой, «Ёш ленинчи» рўзномаси шу кунларда «учар ликопчалар» ҳақида жуда ажойиб мақолалар бериб бормоқда. Ўзга сайёраликлар ҳам нима учундир жуда серқатнов бўлиб қолишди.

ЎЗГА САЙЁРАЛИК: — Э, соддаси тушмагур ерликлар-ей, шуни ҳам билмайсизларми? «Ёш ленинчи» рўзномасига обуна бўлиш учун-да! «Альфа»да энди уни олмайдиган ёшлар қолмади ҳисоб. Обуна баҳоси бошқа рўзномалар билан қиёслаганда сув текин — 12 сўм. Фурсат оз қолди. Тағин армонда қолмайлик.

Рассом А. ОРИПОВ.

Хўжалик ҳисобидан

Жамоа хўжалигининг 100 нафар комсомол-ёшлари «Ёш ленинчи»га обуна бўлишди.

(Махсус мухбиримиз Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ Фарғонадан сим қоқди)

Бағдод ноҳиясининг «Пахтакор» жамоа хўжалиги ҳисобида 1100 нафар комсомол-ёш ҳисобда туради. Пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган даврда жамоа хўжалиги комсомол қўмитасининг ташаббуси билан хўжалик ҳудудида яшовчи ёшлардан «Мадад» комсомол-ёшлар отряди тузилди. Улар ҳар куни далалардан 100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб топширяпти. Жамоа хўжалиги ёшларнинг ғайратини, ташаббусини муносиб тақдирлади. Обуна учун хўжалик 1200 сўм пул ажратди. Мададчиларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисобидан «Ёш ленинчи» рўзномасига бепул обуна қилиндилар. Жамоа хўжалигининг мазкур ташаббусини ноҳиядаги «Большевик» ва «Ленинград» жамоа хўжаликларининг бошқарувлари ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Уларнинг ҳар бири «Ёш ленинчи» обунаси учун 1200 сўмдан пул ажратишди.

Бу ташаббус ноҳиядаги яна бошқа хўжаликларда ҳам кенг қулоч ёймоқда.

МУХЛИСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Обуна қизғин паллага кирган ҳозирги кунда мухлисларда рўзнома ижодкорлари билан учрашиб, келгуси режалар ҳақида суҳбатлашиш иштиёқи туғилмоқда. Балки Тошкент шаҳридаги 3-поликлиника бошланғич комсомол ташкилоти котибаси Нигора Муҳриддиновани ҳам шу истак таҳририятимизга етаклаб келгандир. Ўттиз икки нафар комсомол аъзоси — мухлисларимиз номидан қилинган таклифга кўра рўзномамиз ходимлари Амирқул Карим ва Лола Соатовалар поликлиника жамоаси билан учрашдилар.

Учрашувда гинеколог-врач, шифо муассасаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси муовини Санобар Юсупова, поликлиника шифокорларининг инсонлар саломатлигини тиклаш борасидаги фаолияти билан таништириб ўтди.

Поликлиника ходимлари рўзномамиз фаолияти ҳақида ижобий фикр билдиришди. «Еттинчи дарс», «Бир рубобнинг икки тори», «Мусиқа хиёбони», «Ёшлар ижоди» саҳифа ва ойнасўзларини 1991 йилда ҳам давом эттиришни сўрашди. Ўз навбатида 1991 йил учун рўзномамизга тўла обуна бўлиш ниятида эканликларини баён этдилар.

Жуманазар НУРИММАТОВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.



СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.
Суратказ Ҳ. СОЛИҲОВ.

СОНМА-СОН ЎҚИШНИ ИСТАЙМИЗ

Рўзноманинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Айниқса, кейинги 2-3 йилнинг ичида ёритилаётган материаллар хилма-хиллиги ҳамда мазмуни билан жуда кўп ихлосмандларини хушнуд этмоқда, мухлисларининг кўнглидаги гапларини топиб ёритмоқда.

Ўзим асли самарқандликман, ёшим 44 да. Ҳозирги вақтда 2 йилдан бери Свердловск вилоятининг Нижний Тагиль шаҳридаги «Урал вагон завод»ида меҳнат қилмоқдаман. Қиладиган ишимиз асосан темир йўлда юк ташийдиган усти очиқ вагонларга деталлар тайёрлашдан иборат. Ишимиз яхши, режаларни ҳамиша ортиғи билан уддалаб келмоқдамиз. Ўзбекистондан жуда кўп киши шу заводда ишламоқда. Кўплари оиласи билан кўчиб келишган.

Шу ерда ишлаётган бўлсак-да, ҳамиша кўнглимиз ўз диёримизда бўлаётган воқеаларни билиб туриш иштиёқида. Радио тўлқинлари Ўзбекистондан деярли ололмайди. Шунинг учун ҳам ишонганимиз шу севимли «Ёш ленинчи» рўзномасидир. Ётоқхонамиз бўйича битта мен обуна бўлган эдим. Унинг ҳар бир сонини юртдошларимизнинг ҳаммаси интиқ бўлиб кутишарди. Ҳар бир сони қўлма-қўл бўлиб ўқиларди. Лекин бизларни қонитирмаётган нарса шуки, унинг тўлиқ сонини ололмаётибмиз. Баъзан ҳафтада кетма-кет учта сони келса, қолган иккита сони келмайди. Баъзи ҳафтада эса фақатгина битта сонини оламиз. Бу ерда алоқа, «Союзпечать» бўлимларига бориб учрашдик. Натижа чиқмади. Улар «Ўзбекистонларингнинг юбориши шу, қанча сонини юборишган бўлса шунчасини сизларга етказиб бермоқдамиз. Ўзларингнинг Ўзбекистонларингга ёзинглар! У ёқдан ҳар бир сонини юборишсин. Бизлар ҳам келганини сизларга етказиб берамиз», дейишди.

Мана, 1991 йилга обуна қилиш давом этмоқда. Бироқ кўпчилигимиз келгуси йилда ҳам бу йилдагидек «узилишлар бўлса» деган хавотирдамиз. Ҳурматли таҳририят, илтимосимиз шуки, севимли рўзномамиз «Ёш ленинчи»ни тўла етиб келишига ёрдам берсангиз. Чўчиманг унинг обуна баҳоси қиммат бўлса ҳам барча ватандошларингиз 1991 йил учун тўла обуна бўлишади. Бирдан бир умидимиз сиз «Ёш ленинчи» ходимларидан. Бу узилишлар сабабини аниқлашда бизга беминнат ёрдамингизни аямайсиз, деб ўзбекистонликлар номидан мазкур илтимосномани йўллагувчи:

Турғунбой УРИНБОЕВ,
Свердловск вилояти, Нижний Тагиль шаҳри.

Ёшлар ва қонун

ЧЕКИНАДИГАН ЕР ЙЎҚ!

Ўз турмушининг барча жабҳаларини тубдан қайта қураётган мамлакат, айниқса, ижтимоий жиҳатдан соғлом бўлиши зарур. Чуқур инқилобий ўзгартишлар хусусида гап кетганида, ўтиш давридаги камчиликлар кескин беқарорлаштирувчи тус олишига йўл қўймай қабул қилинган сиёсий йўлни изчил ўтказиш жуда муҳимдир.

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг иттифоқдош, мухтор жумҳуриятларнинг раҳбарлари номига, мамлакатда иш олиб бораётган халқ ҳокимиятининг барча идораларига йўллаган ва 12 сентябрь куни эълон қилинган «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги мурожаатномаси худди ана шундай ташвиш билан йўғрилган.

Хўш, бугунги кунда Ўзбекистондаги оператив аҳвол қандай! Давлатимиз бошлиғининг тавсиялари жумҳуриятимизда амалда қандай рўёбга чиқарилмоқда! ЎзТАГ мухбири А. Баранов қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи учун бевосита жавоб берадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарларидан шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилди.

Б. М. МУСТАФОЕВ, Ўзбекистон ССЖ прокурори:

— Афсуски, жумҳуриятимиздаги опеоратив ҳолатни яхши ҳам, барқарор ҳам деб бўлмайди. Кейинги вақтда мамлакатимизнинг ҳамма ерида кузатилаётган бузғунчилик жараёнлари ҳам унга хосдир ва булар ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги қийинчиликларнинг, маънавий ва ахлоқий қадриятларимиз бузилишининг, жамоатчилик интизоми ва масъулияти пасайиб кетишининг, қонунга нисбатан ҳурматсизликнинг бевосита оқибати ҳисобланади.

Мана шунинг учун ҳам «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги телеграммани жуда асосли ва ўз вақтида йўлланган телеграмма деб ҳисоблаймиз. Давлатимиз бошлиғи Совет ҳокимиятининг барча даражаларидаги вакилларига ана шу шошилинч нома билан мурожаат этганлиги табиий. Ушбу мурожаатдаги қоидалар, ундаги тавсиялар жумҳурият прокуратураси коллегиясининг мажлисларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгашларида батафсил муҳокама этилди, муштарак ҳаракатларимизнинг режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистонда саккиз ой ичида 54 минг 864 марта жиноят содир этилганлиги рўйхатга олинди. Бу эса ўтган ўн йиллик мобайнида жиноятчиликнинг энг кўп содир этилган [illegible] саккиз ярим фоиз кўп демакдир. Бинобарин, жиноятларнинг барча турлари, айниқса, ғаразли йўналишдаги жиноятлар амалда кўпайганлиги қайд этилмоқда.

Балоғатга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг кўпаяётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Бу йил жумҳуриятимизда шундай жиноятлар 27,9 фоизни ташкил этди. Балоғатга етмаганларнинг ўзлари ёки улар иштирокида 5140 тадан кўпроқ жиноят содир этилди. Бу ерда гап, шунчаки шўхлик устида кетаётгани йўқ. Қотилликлар, талончиликлар, босқинчилик, давлатнинг ва фуқароларнинг шахсий мулкини ўғрилаш ҳоллари юз берди.

Болалар ва ўсмирлар жиноятчилигига қарши курашда энг таъсирчан усул бу — жиноятларнинг олдини олишдир.

Болалар боғчасига ва мактабга қадам қўйилган дастлабки кунлардан уларни қонунга, жамоатчиликнинг ахлоқ ва одоб нормаларига ҳурмат руҳида тарбиялаш учун аниқ бир мақсадни кўзлаб иш бошлаш керак бўлади. Бинобарин, ҳатто юқори синфларда ҳам ҳуқуқий тарбия масалаларига бизда жуда кам вақт ажратилади, ўсмирларни турар-жойларида ва мактабларда тарбиялаш ишлари ёки пасайтириб юборилган, ёки бундай иш умуман олиб борилмайди. Одатда бундай тарбиявий ишлар ўсмир ҳуқуқ-тартиботни бузиб улгурганидан сўнг бошланади. Бу эса, афсуски, кеч бўлади. Бу ўринда расмиятчиликка, лоқайдликка, бефарқликка айниқса муросасиз бўлиш керак.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Ўтган йили жумҳуриятимизда икки ярим миллиондан кўпроқ, аниқроғи жиноий жавобгарликка алоқаси бўлмаган ва маъмурий тартибда, фуқаролар ўртасида кўриб чиқилиш лозим бўлган 2600 мингта ҳуқуқбузарлик содир этилди. Ахир, бундай қилмишларнинг ҳар бирида жабрланган [illegible] ор-номуси ва обрўси ерга урилган бир неча фуқаролар албатта, бўлади, бунда ижтимоий адолат бузилади.

Биз барпо этишни хоҳлаётган ҳуқуқий давлатда бунга ҳеч қачон йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир фуқаро ва ҳар бир мансабдор шахс ўз ҳуқуқини ҳам, ўзаро масъулиятини ҳам, жамият олдидаги бурчини ҳам тўла англаб етиши керак. Биз кенг кўламда ялпи ҳуқуқий таълимни йўлга қўйишимиз зарур. Халқ ҳокимиятини бошқараётган идораларнинг, амалдаги барча давлат тузилмалари, сиёсий ва ижтимоий тузилмаларнинг куч-ғайратлари ва юмушларини бирлаштиргандагина жамиятда фуқаролар учун маънавий жиҳатдан соғлом муҳит яратиш мумкин:

В. Г. ГУСЕВ, Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари:

— Биз мамлакат Президентининг «Қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги мурожаатномаси матбуотда эълон қилинганидан сўнг барча хизматчилар билан биргаликда шошилинч кенгаш ўтказдик. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида давлат бошлиғи қўйган вазифа, яъни шошилинч номанинг 3-бўлими муҳокама қилинди.

Бугунги кунда жумҳуриятимизда жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашнинг аҳволини, уни келтириб чиқараётган сабаблар ва [illegible] қонун билан ҳисоблашмасликка имкон бераётган омилларни муфассал, кизгин муҳокама қилдик, [illegible] доир таклифларни кўриб чиқдик. Барча хизматларнинг ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар.

Назаримизда, жамоатчилик фикрини сўраб билиш юзасидан ўтказилган савол-жавоб натижалари шубҳасиз қизиқиш уйғотди. Ана шу натижалар ҳақида кенгашда айтилди. [illegible] кейинги икки йил ичида мазкур тадбирда қатнашган жумҳурият аҳолисининг 49 фоизи у ёки бу даражада жиноятчиликнинг [illegible] жабрланган, талончилик, ўғрилик, босқинчилик, безорилик жуда кўп бўлган... Сўралган кишиларнинг 45,4 фоизи ўзларини хавфсиз ҳис қилмайдилар, улар тинч ҳаёт кечириш имкониятига [illegible] Фуқароларнинг 22,4 фоизи жиноятчиликнинг кўпайганини жазоланмаслик ва ҳаддан ошиш билан, ҳуқуқий нормаларнинг такомиллашмагани билан боғламоқда. Жумладан, милиция ушлаган жиноятчиларнинг кўпчилиги тез орада яна озодликка чиқмоқда, судлар ҳам у ёки бу сабаблар асосида уларни озод қилиб юбормоқда, ёки уларга нисбатан жуда енгил, кўпинча эса шартли жазо чоралари белгиланмоқда. Савол-жавобда қатнашган кишиларнинг 26,6 фоизи жиноятчиликнинг кўпайганлик сабабларини аҳоли турмуш моддий даражасининг пастлигида деб билади. Афтидан, бунда, ижтимоий нуқтаи-назардан муайян ҳақиқат бор.

Фуқароларнинг 26,9 фоизи милициянинг фаолияти кейинги икки йил ичида ёмонлашганини, балки аввалги даражасида қолди, деб ҳисобламоқда. Яна худди шунча киши милиция ёмон ишлаётганини айтди, 19,2 фоизи эса милиция фаолиятини [illegible]

Ниҳоятда хилма-хил фикрлар билдирилди — бу қонуний ҳол, албатта. Кейинги вақтда фуқаролардан милициянинг иши тўғрисида яхши, миннатдорчилик билдириб ёзилган хабарлар кела бошлади. Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти номига ходимлар меҳнатини тақдирлаш илтимос қилинган хатлар тобора кўплаб келмоқда. Жумладан жиноий-қидирув ходимлари, участка инспекторларига ...миннатдорчилик эълон қилишимизни сўрашган.

Жиноятчи унсурлар қонун билан ҳисоблашмасликларига имкон берадиган, жиноятчиликнинг ўсишига кўмаклашадиган сабабларни ўрганар эканмиз, биз милиция ходимларининг сони бугунги кунда унинг кўпайган вазифаларига жавоб бермайдиган рақамларга эътибор бермасдан ўта олмадик. Масалан, кейинги ўн йилликда жиноятчилик икки баравардан ортиқроқ, жумҳурият аҳолиси эса 4,4 миллион кишига кўпайди ва қарийб йигирма миллион нафарга етди. Ҳозир жумҳуриятимизда ҳар 10 минг киши ҳисобига ўртача 8,8 нафар милиция ходими тўғри келади. Бу кўрсаткич, айни вақтда мамлакатимизда ўрта ҳисобда 18 нафар милиция ходимини ташкил этади. Шундай қилиб, Иттифоқимиздаги ўртача даражага таққослаганда ҳар бир ходимимиз икки ҳисса кўп иш бажаради. Бугунги кунда қўшимча равишда ўн етти минг нафар ходим талаб этилмоқда.

Жумҳуриятимиздаги оператив вазият кейинги икки йил ичида норасмий ташкилотларнинг турли-туман оммавий чиқишлари, митинглар, намойишлар сабабли ниҳоятда мушкуллашиб кетмаганда, эҳтимол, шундай ҳолда ҳам вазифамизни уддалаган бўлур эдик. Бу эса тартибни сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги асосий вазифаларни ҳал этишга жалб қилинган кучларни доимий равишда яна шу ишларга сафарбар этишни тақозо қилмоқда, бугун иш ҳажмини кўпайтирмоқда. [illegible] Бу отрядлар қаердадир рўй берган можарони қон тўкилишига йўл қўймай ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни авж олдирмай, бостиришга ва хабар келиши биланоқ можаро чиққан ерларга тез бориш имкониятига эга бўлур эдилар.

Бироқ, милиция ходимларининг етишмаслиги натижасида ҳозир бундай масалаларни ҳал этишимиз жуда қийин бўлмоқда. Шу сабабли шеҳар, қишлоқ милиция бўлимларини, ёки ҳозир айтиш одат тусига кирганидек, маҳаллий милиция идораларини ташкил этиш масалалари ҳам ниҳоятда мураккаб бўлмоқда. Ҳолбуки, мана шундай бўлинмаларни тузиш зарурати ва эҳтиёжи пайдо бўлди. Биз юзага келган номутаносибликни ҳозирча ўз кучимиз билан тузата олмаймиз, ходимлар зиммасига юклатиладиган вазифаларни кўпайтириш, ички имкониятларини керагидан ортиқ сафарбар қилиш ҳисобига бу аҳволдан чиқишга тўғри келмоқда.

Адолат юзасидан таъкидлаш керакки, жумҳурият милициясининг аҳволини акс эттирувчи ана шу манзараларнинг ҳаммаси умумиттифоқимиздаги аҳволга қараганда унчалик ёмон эмас. Расмий ҳисоб идораларининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда йилига ҳар икки юз кишига битта жиноят тўғри келади. Иттифоқимизда эса бу кўрсаткич ўртача 12 кишини ташкил этади. Шу сабабдан жумҳуриятимизда жиноий аҳвол ниҳоятда кўрқинчли даражада деб айтишдан ўзимни тийган бўлар эдим. Боз устига, кейинги вақтда жиноятчиликнинг ўсиши пасаяётганлиги сезилмоқда. Ҳатто жиноятчилик нуқтаи назаридан унчалик яхши деб ҳисобланмаган ва Ўзбекистонда содир этилаётган жиноятларнинг учдан бир қисми тўғри келадиган Тошкентга жиноятчилик 9 ой ичида атиги 4,1 фоиз кўпайди — бу аввалги йиллардаги шундай даврга нисбатан 4,5 баравардан камроқ демакдир.

[illegible] ладан, талон-тарож қилиш, қотилликлар ва шафқатсизлиги жиҳатидан кўпинча кишини даҳшатга соладиган зўравонлик кўринишлари билан боғлиқ ғаразли мақсадда содир этилган жиноятлар сезиларли равишда кўпайганлиги кишини жуда ташвишлантиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг келаси йилги ҳаракат дастурини ишлаб чиққан бўлсак ҳам, мамлакат Президентининг мурожаатномаси асосида уни тўлдиришга, баъзи ўзгартишларни киритишга қарор қилдик. Жумладан, ички ишлар идораларини қайта тузиш маъносида жумҳуриятимизда ижтимоий хавфсизлик бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисида Олий Кенгашимизга таклиф киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Аслида қўшимча бюджет харажатларисиз тузиладиган бундай тез ҳаракат қилиш бўлинмалари жумҳуриятимиз турмуши хавфсизлигини таъминлаш, оқибатини олдиндан айтиш қийин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун бугунги кунда мутлақо зарур бўлиб қолди.

Шу муносабат билан, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумҳурият Ички ишлар вазирлиги системасида Ўзбекистондан чақирилган ёшлардан иборат муқобил ҳарбий хизматни жорий этиш тўғрисида таклиф киритдик. Назаримизда, бундай хизмат фахрли, айни вақтда ички турмушимизнинг бир қанча муҳим вазифаларини самарали ҳал этишга кафолат берган бўлур эди ва ниҳоят, ҳаммамиз маҳаллий ўзини ўзи бошқарув системасида маҳаллий милиция тузилиши тўғрисидаги фикрдан воз кечганимиз йўқ... Жумҳуриятимизда бундай янги тузилмалар ўз вақтида амалга оширилган фойдали иш бўлишига ишончимиз комил. Энди сўз халқ депутатларига...



Жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази хабар қилади

БОСҚИНЧИЛАР

Кечқурун соат ўнларга яқин метронинг «Горький» бекати яқинида «Жигули» автомашинаси ҳайдовчиси ризолигига маҳтал икки йигит ва қиз ўриндиққа жойлашиб олишгач, йўл-йўлакай алламбалолар ҳақида лақиллашиб бордилар. «Ленин йўли» жамоа хўжалиги ҳудудига етиб келишгач, улар кўрсатилган холис хизмат учун қуллуқ қилиш ўрнига ҳайдовчининг пулини тортиб олишди. Устига устак ҳожатбарор машина эгаси қорнидан пичоқ еди. Кўрнамаклар ярадорни йўлда қолдириб, машинада кўздан ғойиб бўлишди. 30 сентябрь куни кечқурун юз берган воқеа изидан тушган милиция ходимлари бўш келишмади. Кўп ўтмай тузоққа тушган босқинчилар қилмишлари ҳақидаги саволларга жавоб қайтара бошлади. 21 ёшли М. Алексей ва 24 ёшли М. Валерий учун терговчи билан «суҳбатдош» бўлиш янгилик эмас, ҳар иккови ҳам илгари «ўтириб» чиққан. 20 ёшли С. Альмира эса на яшаш, на иш жойига эга.

* * *

Ярим тунда Ургут ноҳиясининг Калинин жамоа хўжалигида яшовчилардан бириникига қуролланган босқинчилар кириб келишди. Катта пул талаб қилиб минг хил дўқ-пўписа ёғдираётганлар кутилмаганда қаттиқ қаршиликка учрашди. Уларнинг нияти ёмонлигига кўзи етган уй эгаси қўлига милтиғини олиб, тунги «меҳмон»лардан бирини яралади. Қолганлари тум-тарақай қочиб кетишди. Омади чопмаган босқинчи шу жамоа хўжалик аъзоси 30 ёшли Р. Ўткир экан. Ҳозир унинг шериклари қидирилмоқда.

ЎҚНИ МОТОЦИКЛЧИ УЗДИ

Ҳаммаси чет эл фильмларидагидек бўлди. 3 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги Регистон кўчасида жойлашган зоомагазин ёнида турган «ГАЗ—24», «В 5175 СН» рақамли машинага мотоцикл минган номаълум киши яқинлашди. У тўсатдан қурол чиқариб, машина эгасига қарата ўқ узди. Оғир жароҳат олган ҳайдовчи шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди. Ҳодиса эрталаб соат 9.30 да содир бўлганини ҳисобга олсак, кимлардир беихтиёр унга гувоҳ бўлишган. Шунинг учун улардан жиноятчини қидиришда ёрдам берадиган маълумотларни милиция бўлимларига маълум қилишларини сўраймиз.

ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Катта тезликда кетаётга тепловоз ва бошқа транспорт воситалари ўртасидаги тўқнашувлар камдан-кам ҳоллардагина енгил оқибатлар билан тугайди. Шунга қарамасдан айрим ҳайдовчилар арзимас дақиқаларни тежаш мақсадида яқинлашиб қолган поезд тумшуғи олдидан кесиб ўтиб кетишга ҳаракат қилишади. Лекин...

2 октябрь куни Муборакдаги автотранспорт корхонасининг 30 ёшли ҳайдовчиси «ЗИЛ—4502» белгили «38—19 КФС» автомашинасида темир йўлнинг қўриқланмайдиган ўтиш жойида тепловозни ўтказиб юборишга сабри чидамади. Ҳайдовчи Абдураҳмон Эгамбердиев ва уч нафар йўловчи ҳалок бўлишди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Хорижлан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. (СИТА мухбири Игорь Борисенко). АҚШ давлат департаменти америкаликларга Исроил босиб олган Иордан дарёсининг ғарбий соҳилига ва Ғазо минтақасига сафар қилмасликни маслаҳат беради. Консуллик ишлари бюроси томонидан тайёрланган махсус тавсияномада огоҳлантиришга қарамай ана шу районларга борадиган америкаликлар « у ерда ғалаёнлар ва кескинлик давом этаётганлигини, тошбўрон қилинишлари мумкинлигини, бундан бошқа жойлардан келганлар ҳам жабрланиши мумкинлигини билиб қўйишлари керак», дейилади.

Америкалик фуқаролар, дейилади яна ҳужжатда, «Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар Америкага қарши кайфиятлар ва дўқ-пўписалар хуружини келтириб чиқарганини» ҳам билиб қўйишлари керак. Шу муносабат билан консуллик ишлари бюроси америкаликларга ана шу ноҳияга борганда «жуда эҳтиёткор бўлишни» тавсия қилади.

МЕХИКО. (СИТА мухбири Павел Сюткин). Мексика тарихида биринчи марта мамлакат пойтахти ҳинди халқларнинг Миллий ассамблеяси очилди. Унда жумҳурият ҳудудида сақланиб қолган 50 дан ортиқ қабилаларнинг — майя, ацтеклар, тотонаклар ва бошқа қабилаларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Бир вақтлар бу ерда ривожланган маданиятни барпо этган ана шу элатлар ҳозир Мексика ҳукуматининг мададига қарамай, йўқ бўлиб кетиш арафасида. Замонавий маърифат энг олис чеккаларгача етиб бориб, одат бўлиб қолган турмуш тарзини бузиб, асрлар давомида таркиб топган анъаналарни барбод қилмоқда.

ВАШИНГТОН. (СИТА мухбири Павель Ваничкин). АҚШ конгресси вакиллар палатасининг маблағ ажратиш қўмитаси 1991 молия йилида Пентагон эҳтиёжларига 297 миллиард доллар ажратишни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Қўмита аъзолари маъмуриятнинг «стратегик мудофаа ташаббуси»га сўраган маблағининг ярмидан кўпрогини қисқартириш керак, дедилар. Конгресс аъзоларининг фикрича, стратегик мудофаа ташаббусига Оқ уй таклиф этаётган 4,7 миллиард доллар ўрнига 2,3 миллиард доллар ажратиш керак. Бундан ташқари қўмита «Стелс» технологияси асосида тайёрланадиган радарларда кўринмайдиган бомбардимончи самолётлар барпо этиш режасини тўхтатиб қўйишга чақирди.

ТАДҚИҚОТЛАР ШУНИ КЎРСАТМОҚДАКИ...

РИМ. Италия шундай мамлакатки, унда 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирлар Европа ҳамжамиятининг бошқа мамлакатларидаги тенгдошларига нисбатан камроқ чекишади, лекин спиртли ичимликлар истеъмол қилиш бўйича қитъа «рекордчилари» ҳисобланишади. Европа ҳамжамияти махсус комиссияси шу йил ёзда ўтказган тадқиқот натижаларига доир маълумотномада ана шулар ҳақида гапирилади. Маълумот Римда учинчи «Европада ракка қарши кураш ҳафталиги» доирасида тарқатилди.

Тадқиқотда ўн минг ўсмир иштирок этди. Улардан ҳар тўрттасидан бири «чекиб кўрганлиги» аниқланди. Гап ўғил болаларнинг тахминан 30 фоизи ва қиз болаларнинг 24 фоизи ҳақида бормоқда. Ўсмирлар ўртасида чекиш бўйича Дания биринчи ўринда турибди. Бу ерда сўралган ўсмирларнинг ярмиси чекади. Грецияда бу кўрсаткич 18 фоизга, Италияда 16 фоизга тенгдир.

Ўсмирларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилишининг кескин кўпайиши ҳам катта ташвиш уйғотмоқда. Сўровда қатнашган қизларнинг 66 фоизи «вино ва спиртли ичимлик ичиб кўришганини» айтишди. Ўғил болалар орасида бу кўрсаткич 57 фоизга тенгдир. Текширилган болаларнинг 14 фоизи ҳафтасига камида бир марта пиво, вино, шунингдек, кучли спиртли ичимликлар ичишларини тан олишди.

(СИТА).



Қуёш қуввати билан таъминловчи қурилмада ишлайдиган автомобиллар жуда истиқболли лойиҳалар сирасига киради. АҚШ энергетика вазирлиги экспертлари ҳамда таниқли «Женерал моторз» автофирмаси конструкторлари шундай ҳисоблашмоқда. Ана шу фикрнинг тасдиғи сифатида ёз ойларида вашингтонликларга қуёш батареясида ишловчи хилма-хил электромобил намуналари билан танишиш имконияти берилди.

В. ПОЛЯКОВСКИЙ олган сурат.

СИТА мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЙЎЛБОШЛОВЧИ ТЎТИҚУШЛАР

● АМЕРИКАЛИК орнитолог Рей Барнак тўтиқушлар учун махсус мактаб очди. Бу ерда у тўтиқушлардан кўзи ожиз кишилар учун йўлбошловчи тайёрлайди.

Орнитолог қушларга «тўхта», «ўнгга бурил», «чапга», «эҳтиёт бўл» ва бошқа шу каби сўзларни талаффуз қилишни ўргатади. Унинг айтишича, тўтиқушлар кўча светофорларининг қизил, сариқ, яшил чироқларини йўлбошловчи итларга нисбатан яхши англайди. Шунингдек, болаларга, мушукларга, каптарларга ҳам эътиборини чалғитмайди ва итларга қараганда кўп умр кўради, лекин кам овқат ейди. Бу кўзи ожиз пенсионерлар учун жуда муҳим, деб хабар беради Франциянинг «Ҳайвонлар ҳаёти» ойномаси.

САРТАРОШЛАР МУЪЖИЗАСИ

● АҚШнинг Кливленд шаҳрида яшовчи икки сартарош — Питер Бланк ва Оливер Дрейлар баландлигини икки метр қилиб соч турмакладилар.

Бунинг учун 30 баллон сочга ишлатиладиган лакли аэрозол, 12 метрга яқин ҳақиқий улама соч, 3 метр ҳарир газлама, 190 та сочтўғноғич керак бўлди.

Сартарошлар бу ишни 7 нафар ассистентлари билан роппа-роса 9 кунда бажариб бўлдилар. Ҳаммаси яхши бўлди, фақат... сартарошлар мижози — Аурелла Мюрицга қийин бўлди холос. Ахир 9 кун сартарошхонада ўтириш осон мас, дейилади «Франкфуртер рундшау» (ГФЖ) рўзномасида.

ҚОР ОДАМ — БОР ОДАММИ!

● МЎҒУЛИСТОННИНГ Кобдо аймоғилик уч киши бу воқеанинг ҳар бир дақиқасини энди умуман эсларидан чиқаришмаса керак. Эрдэн бурэн ҳудудидаги булоқда улар «жуда баҳайбат қор одамни» кўришган. Баҳайбат одам ўша заҳоти ақл бовар қилмайдиган тезликда, яъни саноқли дақиқаларда 200 метр наридаги қояга яширинган. Табиийки, қочоқнинг қадами ўлчаб кўрилган. Унинг ҳар бир қадами 2 метру 61 сантиметрга тенг бўлган, оёғининг изи эса узунлиги 40 сантиметрни эни 8 сантиметрни ташкил этган.

Ҳайдовчи С. Ульзийнинг айтишича, у бундай ғаройиб одамни биринчи марта учратиши эмас. У 1988 йилда ҳам қор одамга дуч келган.

Биз—байналмилалчилармиз!

— Амунинг ҳар иккала соҳилида аҳвол қалай?
— Бир нави — яшаб турибмиз. Қандай топшириқлар бор, қайси мавзуларда ёзишимиз керак — айни пайтда?
— Пахта майли, ўз йўлига кетиб турибди. Яхшиси... сўнгги пайтда байналмилалчилик ҳақида кам ёзилаяпти, мухтор жумҳуриятдан бирор нима қилиш керак...

(Муҳаррир билан сим орқали мулоқотдан).

ҚОНДОШ-ЖОНДОШ

Байналмилал тарбия. Тинч-тотув, бир оила фарзандларидек яшаш. Жуда қадим мавзулар. Рости, ёзилавериб сийқаси қолмаган. Эри бир, аёли бошқа миллат вакили бўлган оила ҳақида чўпчак тўқиш — байналмилалчиликнинг бош «чўққиси» шулар.

Хўш, яна нима ҳақда ёзиш мумкин? Қийин-да. Миллий низолар «нозик нуқта»га етиб қолган, жамият иншоотларида бир-бировга ағдараётган шу кунларда ёлғон-яшиқлар айтиб, эски йўлдан бориш ҳам инсофдан эмас.

Демак, муҳаррир буюртма берган мақолада кўрган-билганимизни бир бошдан сўзлаймиз. Хулоса чиқариш ихтиёрингизда.

Ўтган йили Тўрткўл ноҳия комсомол ташкилотининг конференциясида қатнашдик. Маърузадан сўнг музокаралар бошланди. Қизиғи, ҳар ким ўз она тилида гапирди. Эътибор бердим, музокараларда беш миллат вакиллари сўз олиб, фикр-мулоҳазаларини айтишди. Биборта одам на юқоридан, на пастдан эътироз билдирмади — давлат тили эслатилмади.

Нега? Негаки, гарчи нотиқлар беш тилда сўзлашсада, уларни бир-бирига таржима қилишнинг кераги йўқ эди. Ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ... бир-бирини бундан минг йиллар олдин тушунган, бундан кейин ҳам тушунаверади...

Ўшанда ноҳия фирқа қўмитасига иккинчи котиб бўлиб янгигина ишга келган, жумҳурият комсомол Марказқўмининг собиқ бўлим мудири М. Ходаев бу ҳолатдан таъсирландими, комсомол ходимларига ваъда берди: «Олти ойдан сўнг ҳар биринг билан ўз тилингда гаплашаман. Мана кўрасизлар...»

...Кейинча ноҳия ёшлари ҳақида «миш-миш»лар қулоғимизга чалинди. Гўё, асосан ўзбеклардан иборат бўлган мухтор жумҳуриятнинг шарқий ноҳиясида қўшни Хоразм вилоятига қўшилиш истаги кучайган, имзо тўплашга киришилган эмиш... Ҳар сафар шарқий ноҳияларда бўлганимизда «миш-миш»лар ўчоғини аниқламоқчи бўлардик. Беҳуда. Ҳаммаси қуруқ ёлғон бўлиб чиқди. Ҳеч қанақа бўлинишни истаётганлар йўқ, тўпланган имзолар ҳам — сохта гап. Ҳамма бир ога-инидек яшашяпти, денгиз қуриши билан бошларига ёғилаётган азоб-уқубатларни биргаликда қаршилашмоқда. Фожиа кишиларни яқинлаштиради, бирликка чорлайди, дегандим шудир.

Тўрткўл ноҳиясида 115 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг тенг ярми ўзбеклар. 35 фоизга яқини туркманлар, саккиз ярим фоизи қозоқлар, олти фоизчаси қорақалпоқлар. Комсомол аъзолари сонини миллий жиҳатдан қиёсласангиз ҳам шу рақамлар келиб чиқади.

Майли, аъзо бўлиш бошқаланиш, сайлов органларига сайланиш, раҳбарликка ишлаш бошқа. Биз турғунлик деб лаънатлаётган даврларда миллатига қараб лавозимга кўтариш авж олмаганмиди?

Ноҳия комсомол органини миллий жиҳатдан бир «элакдан ўтказиб» кўрайлик: комсомол қўмитаси аппаратида тўққиз нафар ходим ишласа, шулардан икки нафари қозоқ, икки нафари туркман, бир нафари рус ва тўрт нафари ўзбек. Бошланғич ташкилотларнинг котиблиги ўринларида ҳам тўрт миллат вакиллари ишлашмоқда.

Ноҳия комсомоллари етакчиси Қулмуҳаммад Қиличев — туркман йигити. Ёшлар ўртасида етарлича обрў-эътиборга эга. Ёки М. Горький номли давлат хўжалиги бошланғич комсомол қўмитаси котиби Байрамқули Меретов, «Совет Ўзбекистони» жамоа хўжалиги ёшлари етакчиси Озоджон Отажонов, тўқимачилик комбинати ёшлари сардори Ойсулув Холменовалар ишлаб чиқаришнинг илғорлари.

Ташаббускор, ишлаб чарчамас бу етакчиларнинг бири туркман, бири ўзбек, бири эса қозоқ миллатига мансуб.

Ноҳияда туркманлар кўпчилик яшашлари эътиборга тутилиб, ўтган йили Тўрткўл-Ашхобод ҳаво йўли ишга туширилганди. Бу яқинлари, қариндошлари олдига борувчилар, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга жуда катта қулайлик туғдирди.

— Яқинда Туркманистон пойтахти Ашхободда бўлдим, — дейди Қ. Қиличев байналмилалчилик ҳақдаги суҳбатимизни давом эттириб. — Комсомол Марказқўмига бордим, ойнаи жаҳон мухбирлари билан суҳбатлашдик. Ноҳиямиздаги ҳаёт ва турмуш тарзи ҳақида кўрсатув тайёрлашди. Мақсадим ноҳиямиздаги ёшларни тўплаб «Орзу» туркман халқ миллий қўшиқ-рақслари гулдастасини ташкил этган ҳаваскорлик дастасининг гастролларини ташкил этиш, кенг ташвиқ қилиш эди. Ниятимизга эришдик ҳисоби. Орзумиз тез кунларда Қозоғистон билан ҳам шундай борди-келдиларни кенг йўлга қўйиш...

Яқинда ноҳияда Туркманистоннинг Дарғонота ноҳияси ветеранлари, байналмилалчи-жангчилари билан дўстлик учрашуви ўтказилди. Энди меҳмон бўлиб бориш навбати уларда.

Етакчининг ниятлари кўп. Қозоғистон ёки Туркманистондан ташриф буюрадиган ташвиқот карвонлари ноҳиямизда меҳмон бўлишса, бу ерда яшаётган кишилар ҳаёти билан танишса, борди-келдини янада кучайтиришса...

Етакчининг ташвишлари ҳам оз эмас. Лекин, бу ташвишлар миллий масалага тааллуқсиз. Негаки, «миллий масалада» — энг тинч, осойишта ўлка бу ер. Одамлар меҳнаткаш, ҳалол, оқибатли. Ёшлар оталари минг йиллардан буён давом қилдириб келаётган анъанани — қадим тупроқда турли миллат кишиларининг иноқ-тотув яшаш одатларини изчил давом қилдиришади, унга доғ туширишмайди.

Байналмилалчилик деганда шуларни фаҳм этдим. Икки миллат вакилининг бирини ўзбек, иккинчисини бошқа миллатдан бўлган «ўз оиласи»ни излаб ўтирмадим...

...Дарвоқе, М. Ходаев ваъдаси устидан чиқди. Унинг қабулига кирган ҳар бир киши ўз тилида дардини айтаверади. Фирқа котибига таржимон керак эмас — тушунади. Сўзлашишни ҳам аста-секин ўрганяпти.

Бу ерда миллатнинг фарқи йўқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Ҳамза номидаги жумҳурият давлат мукофотига номзодлар

ТАНАЗЗУЛНИНГ ТЕРАН ТАЛҚИНИ

Шундай асарлар бўладики, улар муайян миллат бадиий тафаккури ривожидаги маълум босқич хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, адабий жараённинг кейинги тараққийсига кучли туртки беради. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романи ўз ғоявий-бадиий хусусиятлари билан ана шундай асарлар сирасига киради.

«Лолазор»да воқеалар кўламдор, сюжет босиқлик билан ривожлана бориб, бир неча шохобчаларга бўлиниб кетади, тасвир материалининг даврий-географик жиҳатдан серқатламлигига эришилади. У яхлит воқеликни аввал парчалаб ташлайди, сўнг ана шу парчалардан МЎЪЖИЗА — санъат асари яратади.

Адабий танқидда мазкур роман ҳақида илиқ, ижобий гаплар айтилди. Шунингдек, у алоҳида-алоҳида латифалар йиғиндисидангина иборат, деган фикр ҳам билдирилди. Ахир, инсоф билан айтганда, ҳаётимизнинг ўзи латифалардан иборат эмасми? Узун-қисқа, чучук-тахир латифалардан. Адиб ҳаётни шундай кўради, шундай қабул қилади ва шундай қайта тиклайди. Ва зинҳор-базинҳор бу латифаларнинг ўз ҳолича яшашига имкон бермайди, барини у ёки бу оҳангнинг узвий бўлагига айлантиради.

Романнинг дастлабки жумласи — Назар Яхшибоевнинг хаёлига келган чиройли ташбеҳнинг ўзиёқ ёлғон, уйдирма: «Осмон мезонлардан йилтирар эди». Дастлабки латифа шундай бошланади. Ва унинг қандоқ қилиб катта латифа — ёлғонлар билан тўла Ошно, Қурбоной, Тўпори, Ёшулли, Ворис ҳаётига уланиб кетишини қизиқиш билан кузатамиз. Асар давомида турли оҳангда эврилган бу латифа Ошно шўр босган далада, Назар Яхшибоев ёлғон қўшиқлар қўйнида жон таслим этаётганда ўз мантиқий якунига етади.

Ошно ва Назар Яхшибоевич Ҳотам Шўронинг ўзидай содда ва эзгу орзусини рўёбга чиқармоқчи, хароба Булдуруқни гўзал Лолазорга айлантиришмоқчи эди. Аммо... Ошно билан учрашувдан сал аввал қишлоқ чеккасида пайдо бўлган лолалар, учрашув тугагач, таги билан кавлаб олиниб, шаҳарга жўнатилади. Унган еридан арралаб келтирилган терак барглари кечгача шалвираб қолади. Ошно қишлоғимга сув чиқарсам, тағин маҳаллийчиликда айбламасин, деб қўрқса (маҳаллий раҳбарларга хос миллий характернинг ажойиб белгиси), Назар Яхшибоев умрининг охирида «ҳалол» пули эвазига боғ қиларкан, Булдуруқдан ҳам кўра аввало ўзини, ўз номи қолишини ўйлайди. Ҳа, йиллар ўтиши билан она заминдан, Ҳотам Шўро орзуларидан узоқлаб кетишади улар.

Дурустроқ разм солинса, ёлғон умрлар дебочаси ўша — талаба Назар ўзи билан Ошнони боқмоқ учун кўчага чиқиб йўловчиларни тунаган, егулик кўтариб келган дамларга бориб тақалади. Назарни бу йўлга шароит, муҳитнинг ўзи олиб келди. Ошно ўшанда ҳаром-хариш билан кун кўраётганини сезиб, исён қилади: «Назар, айт, жўра, қусиб берайми? Айт, еганимни қандай қусаман, айт?!» Қанчалар самимий исён!.. Бошда фариштадай покиза бўлган ана шу йигитнинг кейинчалик кўзбўямачиликлар, ёлғонлар бошида туришини тасаввур этиш мушкулдек туюлади. Аслида, у Назарни қонунлар мажмуасида аллақачон кафани бичилган жиноятдан қайтариб, талофати миқёсларини ҳали ҳеч ким ўлчаб кўрмаган, бўйи-басти, сохти-сумбати номаълум янги жиноятга етаклайди. Албатта, ўз ихтиёри билан эмас, балки кун кўрмоқ, қорин тўйғазмоқ учун, яъни яна ўша ҳамма нарсага балогардон шароитнинг тазйиқи билан шундай қилади. Қоринни-ку бир амаллаб тўйғазишади, аммо НАФСнинг кўчалари кўп эканлигини, биридан чиқар-чиқмас янгиси рўпара келишини улар ҳали билишмасди. Умуман, ёзувчи ўз қаҳрамонларининг муҳит қурбони бўлганликларини усталик билан кўрсатади.

Ўшанда Ошнонинг сал-пал ёлғон аралашган «Бургутнинг парвози» номли илк мақоласи Назар Яхшибоевни ҳам маънавий ёлғонлар дунёсига парвоз этишга ундайди. Бу дунёда ўз жонингни гаровга тикмай, бировнинг ўтакасини ёрмай, бурнини қонатмай кун кўриш мумкиндай туюлади. Ҳарқалай, бошда шундай туюлади... Шапалоқдай мақоласи шарафига Назар берган зиёфат аслида зиёфат эмас, ўша «фариштадай покиза» Ошнонинг ўз ошноси Назарни маънавий тунаши эди. Бу йўловчиларни тунашдан кўра даҳшатлироқ, оқибатлари серкўламроқ эди. Назар буни кеч тушунди. Тушунганида эса кеч бўлганди — энди у маънавий тунашнинг таъмини тотиб кўрган, ёлғонлар дунёсининг содиқ фуқаросига айланганди.

Ёзувчи Ошнонинг ёлғонлар дунёси тўрига илинишини босқичма-босқич кўрсата боради. Муҳаррир ўлиб, унинг мавқеи куёви Ошнога мерос қолгач, Ошно сохта, «ўлжа» обрўнинг ширинлигига имон келтирди. Амал курсиси, мавқею имтиёзлар яралибдики, ёлғон билан тирик. Энди муҳаррирдан қолган ёлғонлар дунёси тўрини яна тўқишга тўғри келади. Не-не назари яхшилар, не-не Александрга айланган Искандар Шоймардоновлар умри тўрнинг янги-янги катакларини тўқиш билан ўтди. Бу тўрнинг тирқишларидан дунёга қараш мароқли эди: яйдоқ дала-даштлар лолазордай туюлади, бийдай пахтазорлар қордай оппоқ кўринади, «олижаноб молхона»ларда упа ҳиди димоққа уради... «Баъзида ўзимнинг ўргимчакка ўхшаб қолганимни сезаман, — деб эътироф этади Назар Яхшибоев. — Эринмай тўр тўқийман, илинган жойга тузоқ ёзаман, қулоғим динг, бирорта ипи қимирласа бас, ўша томонга қараб чопаман, токи ўлжа қўлдан чиқиб кетмасин!»

Ана шу тўрнинг бутунлигига раҳна соладиган ҳар қандай ҳаракат Ошно томонидан кескин рад этилади. Бунда ҳатто шу тўр ижодкорларидан бири — Назар Яхшибоевни ҳам аямайди. Унинг Олияга бўлган бегидир муҳаббати устидан Ошно аямай қора чизиқ тортади. Чунки бу факт Назар Яхшибоев, у орқали ўзининг биографиясига маълум маънода доғ бўлиб тушиши мумкин эди. Назар Яхшибоев эътироз билдирмайди, негаки, алдовлар олами озгина бўлсин беғуборлик, самимийликни сингдиролмайди. Натижада Назар Яхшибоев ўзи тушиб қолган муҳит ва шу муҳит фарзанди — Ошнога қарши боролмайди ва шахс сифатида тўла-тўкис синади, ўз тили билан айтганда, «сотилади».

Ошнонинг хоҳиш-истаги нақ Қодир Эгамнинг азму иродасидай жаранглайди. У ўз тасарруфидаги ҳамма нарсани — дов-дарахтлар, пахтазорлардан тортиб қумурсқадай ғимирлаб, меҳнатдан бошқасини билмаган, заҳматдан бошқасини тан олмаган одамларгача ўзи яратган, ўзи ундириб ўстирган. Унинг нигоҳи, иродаси — ўзиюрар зина (эскалатор)! Марҳаматига дохил бўлганларни бу зина юқорига олиб чиқиб кетади. Ундаги шўрлик ҳали замон арши аълога етаман деб ўйлайди, билмайдики, Ошно уни ўзи истаган, ўз имкони даражасидаги баландликкача олиб чиқади, холос. Сўнг тубандаги оломонга намойиш этади: «Кўрдингларми, қандай Улуғ Одам... менинг содиқ фуқаром! Ўзим қанақалигимни шунга нисбат бериб билаверинглар!» Ғазабига дучор бўлганларни зина ҳаш-паш дегунча пастга тушириб, қўяди, ўрнига бошқа бировни олиб чиқади... Ўз навбатида Ошнонинг ўзи ҳам Катта Пахтакорнинг эскалаторида кўпроқ туриш, баландроққа чиқишга ишқибоз... Катта Пахтакор эса аллақандай сирли «Юқори»нинг қаҳру ғазабидан қўрқади. Ёзувчи шу йўл билан ёлғонлар дунёсини ушлаб турган занжирни ўқувчи кўз олдига келтириб қўяди.

Мурод Муҳаммад Дўст моҳият моддийлашган, у аниқ шаклу шамойилда, одамларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Ўз навбатида воқелик моҳиятлидир. Бунга муаллиф ҳар бир деталь, штрихга юк ортиш орқали эришади. Ошнонинг Булдуруққа меҳмон бўлиб келишини эсланг-а: қишлоқнинг мурғак аҳлига деб машинасида бир қоп ўйинчоқ олиб келган эди. Болалар магазинида сотиладиган ўйинчоқларни энди кўришлари эмасми, шошиб қолишган, катталар фахру ғурурдан эсанкирашган. Натижа шу бўладики, «табаррук» ўйинчоқлар болалардан тортиб олиниб яширилади. Кейинча, Ошнонинг рангли суратлари минглаб, юз минглаб чоп этиладиган замон келганида суратга ҳар хонадондан алоҳида токчалар ажратилади, сурат остига ўша ўйинчоқлар қўйилади. Энди кечаги болалар улғайишган. Ўша сирли қуёнчалар, айиқчалар, қўзичоқлар, маймунчалар, шерчалар-у, филчаларга термула-термула улғайишган, демакки, уларга бу жониворлардан нимадир юққан... Энди уларни истаган мақомга солиш мумкин! Ошно ўз-ўзидан Катта Қўғирчоқбозга айланади. Унинг минглаб ўйинчоқларидан бири — Қурбоной фожиаси кишини ҳам ўйлантиради, ҳам сескантиради.

Чувринди чопончадаги пистафуруш қиз Қурбоной сўқир сиёсат калтабин сиёсатдонлар қўлида қўғирчоқ бўла-бўла қурбон бўлади. «Юлдузни кўзлаган қиз» Ошнонинг илтифотию Яхшибоевнинг мақтовларидан ўзлигини унутади, сохта шуҳрат кетидан қувиб, оддий инсоний бахтдан ҳам маҳрум бўлади, оқибатда... Қурбонойнинг ўлими ёлғонлар дунёси таназзулга юз тутганидан бир нишона эди. Катта бўрон бош кўтариб келаётганди...

Романда ранглар, оҳанглар мувозанатига эришишда қиссанавис — Саидқул Мардонов образининг хизмати катта. Камтарин, самимий бу одам пайдо бўлиши билан Яхшибоев, Ошнолар туриш-турмуши нисбатан холис, беғараз майдондан туриб ёритила бошланади. Унинг баҳосида Ошно-ю Яхшибоевлар мансуб дунёнинг таназзули яна чуқурроқ кўринади. Йўқ, адиб Мардоновни фаришта қилиб кўрсатмайди, у ҳам хом сут эмган банда, адашади, туртинади, аммо энг муҳими, меъёрни билади, қутқуга учмайди. Ўз эътирофига кўра, «ҳар киши ўзича бир буюк қутқуга дуч келади. Қутқуга учмаса — шараф қучгани, агарда учса — завол топмоғи тайин». Албатта, ёлғонлар дунёсига ружу қўйиш юқумли иллат даражасига кўтарилганда, унда ҳоли қолиш, бус-бутун чиқмоқ ҳам катта гап. Аммо Саидқул Мардоновнинг камтаринлиги, «аралашмаслик» сиёсати ортида қанчадан-қанча хиёнатлар, иккиюзламачиликлар яширинганлигини ҳам унутиб бўлмайди. Шу боис кўнглида бир ҳижиллик бор «ўзидан шубҳаси мўл» унинг.

Адиб халқимиз ҳали-ҳамон жабрини тортаётган фожиаларнинг бош ижодкорлари ҳаётини ўз асарига асос қилиб олади, бу фожиаларнинг илдизларига назар ташлайди, уларни теран бадиий таҳлил этади. Ҳа, ёппасига қоралаб қўймайди, балки таҳлил этади. Зеро, Ошно, Назар Яхшибоев, Қурбоной ва Тўпорилар саҳнадан тушиб кетган бўлишса-да, уларга шундай тақдирни раво кўрган ХАЛҚ бор, қолаверса, истеъдодини хушомад-у тавозега қурбон қилган ворислар, салла деганда каллани опкелувчи элчилар, манфаат отлиғ худонинг ожиз бандалари — неъматжонлар, гаҳ деса қўлга қўнишга тайёр маматқуловлар бор. Демакки, улар ўзлари учун истаган пайтда яна Ошно-ю Назар Яхшибоевларни ясаб олишади...

Роман одамларни огоҳлантиради, ҳушёрроқ бўлишга ундайди. Шу жиҳатдан олганда асарнинг жумҳуриятимиз олий мукофотига номзодликка тавсия этилиши кўплаб мухлисларни хушнуд этди.

Илҳом ҲАСАНОВ,
филология фанлари номзоди.

ХУШХАБАРЛАР

● **ТОШКЕНТДАГИ** янги «Ўзгариш» даҳасида темирйўлчи қурувчилар дастлабки уйни қуриб битказдилар. Яқиндагина бу ерда темир йўлнинг ёрдамчи хўжалиги жойлашган эди, энди эса темирйўлчилар даҳаси жадал бунёд этилмоқда. Бу ерда замонавий квартиралари бўлган қарийб 40 та кўп қаватли уй қуриш мўлжалланмоқда.

● **ЖИЗЗАХ** вилоятининг Фориш ноҳиясида жойлашган 111-автотранспорт корхонаси ходимлари ширкатчиларнинг қўлидан кўп иш келишига ишонч ҳосил қилдилар. Қисқа муддат ичида «Универсал» ширкати корхона ҳудудида спорт тренажерлари зали ва дам олиш хонаси бўлган саунани юқори сифатли қилиб бунёд этди. Автотранспортчилар ширкатчиларнинг маҳоратига ишонч ҳосил қилгач, «Универсал» билан ошхона ва ремонт биносини қуриш учун шартнома туздилар.

● **ЧИРЧИҚ** трансформатор заводи халқ истеъмол моллари цехи талабдан келиб чиқиб ўзига хос ёритгичлар чиқара бошлади. Уларнинг афзаллиги шундаки — бу ёритгичлар одатдан ташқари ташқи кўринишга эга, уларни уйнинг ёки хонанинг исталган жойига ўрнатиш мумкин, нархи ҳам қиммат эмас.


● **БЎЛАЖАК** ишчилар — Хоразм вилоятидаги ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари томонидан тайёрланган молларни сотишдан олинган даромад 50 минг сўмни ташкил этди. Улар Хоразмнинг марказий универсал магазини ёнида савдо ярмаркаси ташкил этиб, у ерда ўз буюмларини таклиф этдилар. Ярмаркада вилоят маркази аҳолисидан ташқари вилоятдаги саноат корхоналари, ширкатларнинг вакиллари ҳам бўлишди. Улар бўлажак ишчилар тайёрлаган тикувчилик буюмларини, мебелларни сотиб олишди. Ишлаб топилган маблағ ўқувчиларни мукофотлашга, ҳунар-техника билим юрти учун радио ва телевидение аппаратлари сотиб олишга сарфланади.

● **АНГРЕНДАГИ** «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Реверс» ширкати жамоаси одатдан ташқари буюртма — гелий ва иссиқ ҳаво билан тўлдириладиган дирижабль макетини тайёрлашга киришди. Бу буюртмани Москва авиация илмгоҳининг «Термоплан» конструкторлик бюроси мутахассислари беришди. Бу бирлашмада бажарилган москваликларнинг шунга ўхшаш биринчи буюртмаси эмас. Саксонинчи йилларнинг ўртасида бу ерда катта дирижабль макети тайёрланган эди.

(ЎзАГ).

«СУМИТОМО» ТОШКЕНТДА





Муштарийлар «аждаҳолар»: Тайвань, Сингапур, Гонконг, Жанубий Кореяни яхши билишади. Лекин ҳозир гап уларнинг онаси «катта аждаҳо» — Япония ҳақида.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир неча кун мобайнида «Сумитомо» корпорацияси кўргазмасини намойиш этди. «Сумитомо» Японияда энг йирик ва дунёда обрўли фирмалар қаторида туради. Унинг жаҳоннинг 144 мамлакатида доимий ваколатхонаси, 48 хорижий мамлакатда эса филиали бор. Совет Иттифоқи билан олиб бораётган савдо-сотиқ ҳажми бир йилда ўрта ҳисобда 700 миллион долларни ташкил қилади.

«Сумитомо» 1979 йилдан буён Ўзбекистон билан савдо-сотиқ ишларини олиб боради. Шу йиллар давомида жумҳуриятимиздан 500 миллион долларга 400 минг тонна пахта толасини сотиб олди. Ўзбекистон эса «Сумитомо» ёрдамида қишлоқ хўжалиги, қурилиш саноати учун техникалар харид қилди.

Кўргазмада деҳқончилик учун зарур бўлган: экадиган, суғорадиган техникалар, «Тоёто» автобуси, мева ташийдиган енгил машиналар, турли хил кранлар, бульдозер ва митти экскаваторлардан тортиб суварак ушлайдиган, экологик жиҳатдан тоза ускуналар, телевизор ва видеотехникалар, пойафзал ва кийим-кечаклар намойиш этилди.

Менинг диққатимни уч нарса тортди. Биринчидан юқори даражадаги деҳқончилик маданияти. Помидор, пахта, карам, тамаки ва турли хил экинлар кўчатини машинада экиш. Ушбу технология муаллифи Митисо Косхимай билан суҳбатлашар эканман, деҳқонларимизнинг етти букилиб кўчат экишлари ёдимга тушди. Технология 25 минг доллар турар экан. Ишлатиш осон. Бир кунда битта машина 8 гектаргача ерда кўчат экишга қодир. У экинларни, жумладан, пахтанинг вегетатив даврини бир ойгача қисқартириш имконига эга. Кўчатлар қулай ва енгил митти қоғоз тувак ва махсус яшикларда етиштирилади. Экинларнинг текис ўсиши таъминланади. Ундириб олиш ҳам осон. Машинада экилади.

Диққатимни тортган иккинчи нарса «Хонда» фирмасининг митти сув тортиш насослари, суғориш ва ер ҳайдаш техникасидир. Фирма вакили Минори Икута билан у олиб келган техника, асбоб-ускуналари тўғрисида узоқ суҳбатлашдим. Уларнинг ишлаш имкони, нархи билан қизиқдим. Фикримча, ушбу ускуналар билан жумҳуриятимиз қир-адир минтақаларида деҳқончилик қилиш ниҳоятда қулай. Улар 250 дан 1900 долларгача туради.

Учинчидан тикиш-тўқиш машиналари. Бизда ўта ноёб моллар. Японияда уларнинг нархи 130—180 доллар. Улар ўн бир хил усулда, турда тика олади. Ўта сифатли, чиройли ва дид билан ишланган. Юз йилгача бемалол ишлаши мумкин. Мазкур ускуналар «Бразер» фирмасига тегишли. «Сумитомо» вакили Олег Макаровнинг айтишича, қизларимиз ушбу машиналарни бемалол ишлата оладилар.

«Тоёто» ва Япония видеотехникаси, магнитафон, телевизорлари ҳақида ёзиб ўтирмайман. Уларни билмайдиганлар кам топилади. Лекин, савдо-сотиқдаги баъзи бир муаммолар ҳақида қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтиш жоиз.

Аввадамбор Япония маҳсулотларини харид қилиш қийин. Бу учун Америко доллари, Япония иени ёки пахта толасига эга бўлиш керак. Бошқа ҳеч нарса: на майиз, на қоракўл, на асал, на зира, на ёнғоқ, на туршак, на ипакнинг ўрнини босолмайди. Японлар ҳар бир тонна биринчи навли пахта толасини 1800 доллар нархда сотиб олиш истагини билдирдилар. Шарти СССР Япония давлат чегарасигача бўлган транспорт харажатларини ўз зиммасига олиши керак. Шундай бўлса-да, Японияга пахта сотиш моддий жиҳатдан қулай. Ҳар тонна толани 20000 сўмга айлантириш мумкин.

Яна бир муаммо савдо-сотиқдаги саводсизлик. Фикримча, ҳозир деҳқон ишини енгиллаштирадиган техника ва технологияни сотиб олган маъқул. Ҳам моддий, ҳам ижтимоий жиҳатдан. Бу деҳқончилик маданиятини ўстирибгина қолмай, келгусида яна кўпроқ маҳсулот олиш имконини беради. Аммо, деҳқон пулига хўжайин бўлиб олган «пром»дагилар кўргазманинг биринчи куниёқ «Тоёто» маркасидаги барча енгил автомашина, микроавтобус ва автобусларни харид қилдилар. «Пром»даги тўралар учун «Тоёто» муҳимроқ шекилли. Деҳқон билан қанча пуллик ишлари бор уларнинг. Бундай савдо-сотиқ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида ҳам танқид қилинди. Назаримда, «пром»дагилар ҳамон бундан тўғри хулоса чиқармаганга ўхшайдилар. Афсус.

Фарҳод РЎЗИЕВ





СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси залларида «Сумитомо» фирмаси моллари.

Сураткаш Ҳ. СОЛИҲОВ.

Мавзуга қайтиб

АДОЛАТ ИСТАБ

Тошкентлик Ақоиддин Ҳожимуҳамедов ҳақида, у эълон қилган очлик хусусида «Ёш ленинчи» рўзномаси «Ертўладаги 70-оқшом» ва «Мен очликни тўхтатган эмасман» сарлавҳали мақолалар орқали ўз муштарийларига муфассал маълумот берганди.

Табиий савол туғилади: хўш кейин нима бўлди, бир жабрдийда қалб ярасига малҳам қўйилдими?

Ана шундай савол билан мен Тошкентнинг Октябрь ноҳияси, Оренбург кўчаси, 22-уйга кириб бордим. Мен билган мана шу ғариб уйга, эшиклари доим очиқ хонадонга бугун уй соҳибининг ҳолини сўраб келувчилар етти ёт бегона кишилар ташриф буюришяпти. «Ўқиб ҳайратга тушдик, бардам бўлинг, биродар», — деб юпатувчилар кунига йигирма-ўттизталаб бўляпти. Ҳамдард кишилар кўп. Аммо дардига малҳам топувчилар йўқ.

Ақоиддин аканинг соғлиги эса жуда ташвишли аҳволда. Очликнинг 99 куни ертўла ичида ётган Ақоиддин аканинг оёқ-қўллари кўкариб музлай бошлади. Юрак хуружи авжига минди, тана ҳарорати пасайиб кетди. Нафас олиши қийинлашди. Рафиқаси Маъмура опанинг кўзига дунё қоронғу кўриниб кетди. У нима қиларини, кимдан нажот сўрашини билмай ўзини йўқотаёзди. Шу кеча врачлар ёрдамида бемор зах ертўладан уйга олиб чиқилди. Мана 17 кунки, Ақоиддин ака уйда ётибди. Маъмура опанинг кўз ёшлари, ялиниб ёлборишлари туфайли мева шарбати ичиб, укол ола бошлади. Ўзига бироз келган Ақоиддин ака «Очликни тўхтатганим йўқ» дейди мажолсиз лабларини баъзўр қимирлатиб. Маъмура опа қуруқ сувга нонни ивитиб, сувини турмуш ўртоғига озгина ичиришга муваффақ бўлади. Кўзларида ёш айланади. Уларни шу куйга солган кишиларнинг томоқларидан бамайлихотир овқат ўтаётганини ўйлаб даҳшатга тушаман.

Минг афсуски, ширкатчиларнинг иши ҳал бўлай демаяпти. Ҳамма гапдан хабардор давлат хўжалиги директори 21 августда ёзган биринчи жавоб хатида шундай деган:

«Давлат хўжалиги сиз сотиб олган техника асбоб-ускуналарига муҳтож эмас, фақат насос станциясинигина давлат нархида сотиб олишимиз мумкин».

Вазият оғирлашганини сезган директор 17 сентябрда яна бир хат юборибди:

«Давлат хўжалиги раҳбарияти сизнинг техник асбоб-ускуналарингиз масаласини ҳал қилиш учун бу ерга келишингизни сўрайди. (") Давлат хўжалиги уларни агар ҳужжати бўлса, сотиб олишга тайёр».

Шуниси қизиқки, хусусий нархда сотиб олинган техникани ширкатчилар давлат нархида сотишлари керак экан. Майли, буни ҳам қўя турайлик. Ақоиддин ака юборган барча ҳужжатлар йўлда йўқолганми, қисқаси давлат хўжалигига етиб бормаган. Мана қарийб бир ой бўлаяпти ҳамки, бу ишнинг силжишидан дарак йўқ. Устига-устак айрим имонсизлар миш-миш тарқатишибди: гўё Ақоиддин ака расмий очликда бўлсалар-да, амалда тўй-ю маъракаларга ошга чиқаётган эмишлар. «Тавба» дейман, кимга керак экан бу гаплар. Қўшнилардан сўрайман. 63-уйда яшовчи Ҳалима Асамбоева 65-хонадон соҳиби Салима Юсупова маҳалла қўмитасининг раиси Мэлс Абдусаломовлар бундай туҳматни эшитиб ёқа ушлашди.

«Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, синглим», — мен бу алам билан айтилган сўзларни Ақоиддин акадан неча бор эшитганман. Ва ҳар гал ўзимга савол бераман: «Бу қадр деганлари шу даражада қадрсизмики, ақалли биргина одамнинг дардига ҳам даво топа олмасак? Ахир у адолат ва меҳрнинг тез ёрдамига муҳтож-ку. Бизлар кимми ўзи?

Гулнора РАЖАБОВА.

ШАРҚ МУСИҚАСИ БАЙРАМИ

Тўрт кун давомида Бухорода Шарқ қўшиқлари халқаро фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль ташкилотчилари томошабинларни гоят хилма-хил концертларга таклиф қилдилар. Ижро услуби турлича бўлган жамоаларга эса фестиваль ҳакамлари олдига «кимга афзаллик бериш керак», деган қийин вазифани қўйдилар.

Ниҳоят узоқ давом этган мунозаралар ва баҳслардан кейин голиблар эълон қилинди. Муборакдан келган «Дебют» ва Туркманистондан келган «Чашма» гуруҳлари биринчи даражали мукофотга на пул мукофотларига эга бўлишди. «Турон» тожик дастанчилик гуруҳи ижрочиси Олег Фозов ва қозоғистонлик қўшиқчи Булат Абдназмедов иккинчи даражали диплом билан тақдирланди. Учинчи ўрни Бухоронинг «Садо» ва Қирғизистоннинг «Рокплекат» гуруҳларига насиб этди.

Ҳиндистондан келган фольклор - этнографик даста машҳур кинофильмлардан қўшиқларни, шўх рақсларни ижро этиб, олқишларга сазовор бўлди. Афғонистоннинг «Гули сурх» вокал рақс дастаси ҳам катта муваффақият қозонди. У Бухоро уйсозлик комбинати комсомол қўмитасининг махсус совриннни олишга муваффақ бўлди.

Янги номлар билан танишиш — мусиқа байрамининг фақат бир жиҳати, холос. Ҳакамнинг фикрича, фестивалнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унда иштирок этган миллий мусиқа мактабларининг хилма-хиллигига боғлиқдир. Фольклор мусиқаси билан унинг ҳозирги кунга мос қайта ишланган мусиқаларнинг муваффақиятли уйгунлашгани ҳам таъкидланди. Энг муҳими эса — фестивалнинг барча қатнашчилари турли жамоалар ижоди билан танишиш, Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозогистон ёшлари ўртасида, шунингдек, хорижий артистлар билан алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар.

И. САФАРОВ,
(ЎзТАГ мухбири).





Дорбозлик! Халқимизнинг қадимий бу санъати авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда. Дорбозлик ҳақида баъзан бировлар, «ҳа, у энди бир ўйинда», деб қолишади. Йўқ. Дорбозлик ўйин эмас, балки довюраклик, жасорат, дадиллик синовидир.

Яқин ўтмишимизда, бошқа маданий меросларимизга бўлгани каби, бу санъатга ҳам эътибор сусайди. Тақиқ бўлмадику-я, аммо тарғиб ҳам бўлмади. Фақат санъатни севган халқ ва унинг фидойи фарзандлари бўлмиш дорбозларимизнинг саъй-ҳаракатлари билангина у омон қолди. Ота-боболаримиз бизга қолдиришганидек, биз ҳам уни авлодларимизга мерос қилиб қолдириш бахтига муяссар бўлдик.

Бугун халқимизнинг ўтмишига, унинг қадим маданиятига, санъатига нисбатан эътибор ўзгарди. Бу ўзгаришдан дорбозларимиз ҳам бенасиб қолишмади. Яқинда ЎзССЖ Маданият вазирлиги халқ ижоди ва маданий маърифий ишлари жумҳурият илмий-методик маркази ҳамда Ленин комсомоли номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи жамоаси билан ҳамкорликда Бутуниттифоқ халқ ижодиёти анжумани доирасида ўтказилаётган халқ анъанавий цирк жамоалари кўригини ўтказди.

Кўрикда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридан ташриф буюрган Аҳаджон Муродов раҳбарлигидаги «Қўқон миноралари» дорбозлар гуруҳи 1-даражали дипломга сазовор бўлди. Шунингдек, кўрикда иштирок этган Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва қатор бошқа вилоятлардан ташриф этган дорбозлар гуруҳлари ҳам ўз санъатлари билан халқни хушнуд этдилар.

СУРАТЛАРДА: кўрикдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД суратга олган.





Пеле яна терма командада ўйнайди

Ҳа, ишонаверинг, ўша бутун дунёга машҳур, афсонавий футболчи Пеле яна Бразилия терма командасида ўйнайдиган бўлди. Аммо...

31 октябрь куни Пеленинг юбилейини ўтказиш учун тайёргарлик бошланганига кўп бўлди. Шу куни Жаҳон терма командаси билан Бразилия терма командаси майдонга тушади. Жаҳон «юлдуз»ларига Франц Беккенбауэр бошчилик қилади. Улар орасида Марадона, Гуллит, ван Бастен ва Рийкаард, Серена ва Анчелотти, Васкес, Уолкер ва бошқалар, шунингдек, бизнинг Алейников ҳам бор.

Пеле уч ойдан бери ўзининг севимли клуби «Сантос» машғулотларида қатнашаяпти.

Тўрт кунда чиқарилган китоб

Буюк бобокалонимиз ат-Термизийнинг 1200 йиллиги ЮНЕСКО қарорига мувофиқ бутун дунёда кенг нишонланди. Жумҳуриятимизда бўлган тантаналарда дунёнинг 91 мамлакатидан илм одамлари, диний арбоблар қатнашдилар. Аммо Ўзбекистондаги нашриётларнинг бирортаси ат-Термизий таваллуд топган кунга бирорта ўзбекча китоб чиқаришолмади. Фақат...

Фақат Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази томонидан Низомжон Парда ва Асомиддин Темурийларнинг «Термиз ота» китоби нашр этилиб, Сурхондарёда бўлган тантаналарда байрам қатнашчиларига ҳадя қилинди.

Жамоатчи мухбиримиз Ҳамрохон ҲАТАМОВА китоб нашри учун масъул, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази бошқони Тўра МИРЗО билан суҳбатлашди.

— Бу рисолани чиқариш тарихи ҳақида гапириб берсангиз...

— Август ойида менинг ҳузуримга шоирлар Низомжон Парда ва Асомиддин Темурийлар келиб, Термизий ҳақида китоб ёзмоқчи эканликларини айтишди. Мен тантаналарга бир ойча вақт қолгани учун ажабландим. Улар бирорта нашриёт билан гаплашиб беришимни илтимос қилишди. Мен уларнинг қўлидаги 10 бетча хомаки нусхани ўқигач, рисолани бойитиш кераклигини айтдим. Ҳозир бирорта нашриёт билан бир ойнинг ичида китоб чиқариш тўғрисида гаплашсам аския қилишларини ўйлаб, муаллифларга бундай дедим:

— Тарғибот марказининг нашр этиш ҳуқуқи бор. Аммо қоғоз йўқ. Агар Сурхондарё вилояти раҳбарлари қоғоз масаласида ёрдам беришса, ўзимиз нашр қиламиз.

Низомжон ака Дўрмонга, Асомиддин ака Термизга жўнаб кетишди. Бир кундан кейин Асомиддин ака Тошкентга етиб келди. У вилоят юбилей ўтказиш қўмитаси раиси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Тилла Менглиев ёрдам беришга тайёр эканлигини айтди. Мен ундай бўлса, Дўрмонга бориб, Низомжон ака билан китобни зудлик билан битириш зарурлигини айтдим. Ўзим Москвага, сўнг Қалмиқистонга сафарга кетдим. Ярим ойдан сўнг қайтиб келиб, китоб тақдири билан қизиқдим. Мен йўқ пайтимда муаллифлардан бирортаси келишмаганини айтишди. Ҳа, бизнинг ёзувчилар бир лов этиб ёнишади-ю, ўчишади-да, деб қўл силтадим.

Аммо бир ҳафтадан сўнг Низомжон ака китоб битганлигини айтди.

10 сентябрь куни китоб босмахонага топширилди. Тўрт кундан кейин 20 га яқин сурати мавжуд бўлган 50 варақли рисола нашрдан чиқди. Бу ёғи Сизга маълум...

— «Термиз ота» китобининг сифат даражаси қандай?

— Зудлик билан чиқарилгани учун қусурлардан холи эмас. Вақт сероб бўлса, бундан ҳам яхши қилиб нашр этса бўларди. Шу ҳажмдаги китобни бирор нашриётга топширсангиз тўрт кунда эмас, тўрт йилда чиқаради. Лекин хорижий ўлкаларда китоблар бир ҳафтада ҳам чиқиши мумкин. Ўтган йили менинг Туркияда симпозиумда қилган маърузам бир ҳафта ичида ҳам туркча, ҳам инглизча тўпламда нашр этилди.

Демак, бизда ҳам жон куйдирилса, зудлик билан амалга ошириб бўлмайдиган иш йўқ. Бунинг учун баҳона эмас, имконият излаш зарур.



Саволлар беринг!

Телефакс нимани билдиради?

Рўзномалардаги, ойномалардаги реклама ва эълонларда кўзимиз тез-тез телефакс деган сўзга тушадиган бўлиб қолди. Бу нимани англатади?
Ойбек РАҲИМОВ.

Фан-техника тараққий этган сари тилимизга кўплаб янги сўзлар, атамалар келиб қўшилмоқда. Шулардан бири муштарийларни қизиқтириб келаётган телефаксдир. Телефакс сўзининг изоҳи «Америка» ойномасининг август сонида босилган мақолада қуйидагича изоҳланади. Телефакс икки сўзнинг қисқартирилган бош бўғинларидан олинган. ТЕЛЕ сўзи телефон, ФАКС сўзи эса факсимал ёзув, имло маъносини билдиради. Телефон орқали у ёки бу буюмнинг номи ёзилган матн, фотосурат ёки чизмани телефон сими орқали узатишдир.

Факс усули билан тасвирни узатиш, импорт ёки экспорт қилиш учун ҳар икки томонда ҳам аппарат бўлиши керак. Факсимилени, яъни тасвирни жўнатиш учун юборувчи киши оладиган ташкилот телефаксининг номерини билиши ва ўзининг аппаратига юбориладиган тасвирни жойлаштириши керак. Рақамлар олингандан сўнг бояги тасвирлар мижознинг аппаратида дарҳол пайдо бўлади. Аппаратда эса тасвир электрон нурларга айланади ва оддий телефон сими орқали боради. Мижоз, яъни иккинчи томондаги аппаратга ўрнатилган қоғозда жўнатилган тасвир аниқ пайдо бўлади. Мижоз уни қабул қилиб олгач кўпайтирадими, қўшимчалар киритадими бу унинг ўз ихтиёрида бўлади.

Ҳар бир телефакс ҳам узатиш, ҳам қабул қилиши мумкин. Масалан, Японийдаги телефакслар 20 секундда битта саҳифани узата олади. Телефакс орқали тасвирни узатиш баҳоси ўзгармасдир. Дунёнинг у бошидаги давлатга узатадими ёки қўшни кўчага узатадими, бунинг аҳамияти йўқ. Пулига таъсир кўрсатмайди. Унга ҳам оддий телефон сўзлашуви каби тариф жорий этилган.

Факс аппаратларининг турлари кўп. Хоҳлаган тижорат ва бюджет ишингизда уни қўллашингиз мумкин. База модели 700 долларга яқин туради. Баъзи қўшимча ускуналари ва хотира қувватини ошириш мосламаси, хатоларни тўғрилайдиган қисмлари билан эса анча қиммат туради. Ҳозирда рангли факслар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу аппаратлар ҳам оддий телефон симида ишлайди. Бу аппаратлар хонаки босмахоналар, реклама агентликлари ва ҳукумат идораларида қўлланилади.

Номаълум аскар қабри қачон барпо этилган?

Жуда кўп жойларда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига ўрнатилган Номаълум аскар қабрлари мавжуд. Москвадаги Номаълум аскар қабри қачон барпо этилган?
Рустам ҲАСАНОВ.

Москва учун бўлган жангнинг 25 йиллиги муносабати билан 1966 йилнинг декабрида Кремль деворлари ёнига 1941 йилда Москва учун жангларда ҳалок бўлган ва аввал Ленинград катта йўлининг 41-километридаги Қардошлик мозорига кўмилган Номаълум аскарнинг ҳоки дафн этилган.

Бу мемориал 1967 йил 8 май куни Ғалаба байрами шарафига тантанали суратда очилган. Ленинграднинг Маркс майдонидаги Мангу оловдан ёндириб олинган машъала Москвага олиб келинган ва унинг ўтидан Номаълум аскар қабридаги Мангу олов ёндирилган. Номаълум аскар қабри — Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган барча жангчиларга қўйилган умумий ёдгорликдир.

ТВ

13 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

9.00 «Ҳужжатли экран». 10.00 «Садоқат». Видеофильм (такрор.). 10.55 «Футбол чорраҳаларида». 11.25 Сурхондарё вилояти Шўрчи ноҳиясидаги «Наврўз» ансамблининг концерти. 11.55 «Қиз ўғирлаш». Бадиий фильм (Руминия). 13.20 «Деҳқон юмушлари».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кўшнилар». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Камолот сари». Башорат Мансурова ва Илҳом Иброҳимов. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 23.00 «Кўпик». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». А. Лоҳутий ғазаллари асосида тайёрланган адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Бизнинг хазинамиздан. Султон Сафар. «Шарораи хучанд». Телевизион спектакль. 12.05 «Қуллар» телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 3-серия (рус тилида)

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Виждон йўқолди». Мультфильм. 18.20 «Суруди «Парвана». 19.00 «Новости». 19.20 «Қуллар». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм, 3-серия (рус тилида). 20.30 «Ахбор». 20.50 «Ҳазораи «Шоҳнома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Воз як барномаи жавони». 23.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Помир» (Душанбе) — «Спартак» (Москва).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Спорт ҳамма учун. 9.15 Жаҳон халқлари ижоди. 9.45 «Онам, дадам ва мен». 6 ойдан 7 ойгача бўлган боланинг ўсиши ва тарбияси. 10.15 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа. 11.15 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари. «Ҳасан аравакаш» («Тожикфильм»). 12.50 Некрасов станицаси фольклор ансамбли ҳамда Москва «Маланка» ансамблининг чиқиши. 13.05 СССР Давлат автоинспекцияси бош бошқармасининг бошлиғи Б. А. Коряковцев сўзи. 13.35 «Бурда моден» таклиф этади... 14.05 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 14.35 «Муҳофаза ёрлиғи». Россия халқ ҳунармандчилиги ҳақида. 15.05 «Пи» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа саҳифаларида. 16.05 Балет артисти, педагог С. Н. Головкина туғилган кунининг 75 йиллигига. Москва академик хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти. 17.30 Болалар учун фильм. «Буюк ҳайвон ўргатувчи». 18.45 «Халқаро панорама». 19.30 «Бола ва булут». Мультфильм. 19.40 «Кулги кечаси». 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 СССР ҳукуматида. 22.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Бонунинг ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар («Мосфильм»).

● МТ II

8.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.50 Мультфильм. 9.00 Зуҳра Шарифиллина куйлайди. Қозондан кўрсатилади. 9.25 «Онажамин ташвишида» туркумидан. «Волганинг олтин туби». Телевизион ҳужжатли фильм (Волгоград). 9.55 Рус тили. 10.20 Коллаж. 10.30 «Қадимий китобларни асровчи». Библиофил М. И. Чуванов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 10.40 «Шаҳрим алломаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Тожикистонда яшовчи қирғиз аҳолисининг турмуши ҳақида (Фрунзе шаҳри). 11.30 «Куз». Мусиқий кўрсатув. «Йил фасллари» туркумидан. 12.35 К. Яблоньский чалади (фортепьяно. Польша телевидениеси). 13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 21.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Вуфетда тошқин», 1-қисм. 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 22.00 СССР Олий Совети сессиясида. 22.30 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 23.30 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Металлист». Танаффус пайтида (00.15) — «Танишинг, ДАРТС». Спортнинг норасмий турлари ҳақида.

Тунги сеанс

01.20 «Даҳшат». Телевизион бадиий фильм («Укртелефильм»).

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28593.